

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМУРОДОВ ЗОҲИД ШОКИРОВИЧ

**ЁШЛАР ТУРМУШ ТАРЗИ:
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 116:371.044.4(021)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Боймуродов Зоҳид Шокирович

Ёшлар турмуш тарзи:

замонавий тенденциялар таъсиридаги ўзгаришлар..... 5

Боймуродов Зоҳид Шокирович

Образ жизни молодежи:

изменения под влиянием современных тенденций..... 23

Boymurodov Zohid Shokirovich

Youth lifestyle :

changes influenced by current trends 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМУРОДОВ ЗОҲИД ШОКИРОВИЧ

**ЁШЛАР ТУРМУШ ТАРЗИ:
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fal510 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусейнова Абира Амоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алиев Бекдавлат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» декабр соат 14 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (221 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «30» ноябрь кuni таркатилди.
(2022 йил «30» ноябрь даги 34 рақамли реестр баённомаси.)

**Наврўзова Г. Н.**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А.З.**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Х.Ю.**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва глобаллашувнинг чуқурлашуви шароитида турли ҳудудларида фашизм, миллатчилик, шовинизм, диний ақидапарастлик ва терроризм каби хавфлар, характери жиҳатидан мутлақо ўзгача тенденциялар пайдо бўлмоқда. Бу тенденциялар, бир томондан, кишилиқ жамиятидаги турли соҳаларни сифат жиҳатдан ўзгартирган бўлса, иккинчи томондан, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, табақалар турмуш тарзига янги тус бермоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ҳаётига хос хусусиятларнинг тубдан янгиланаётган бундай шарт-шароитларида турмуш тарзининг меҳнат фаолияти, ижтимоий жараёнларда иштирок, маиший турмуш, кундалиқ одат ва кўникма, бўш вақтдаги фаолият каби параметрларининг ўзгаришига оид ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида инсон омили, ёш авлодни тарбиялаш, шарт-шароитлар яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш, барча соҳа ривожига ёшлар параметрини аниқлашга оид фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёшлар кундалиқ ҳаётини бошқа демографик гуруҳлар турмушидан фарқлаб турган жиҳатларни, одат ва кўникмаларидаги, бўш вақтдаги ўзгаришларни фалсафий, иқтисодий, социологик, психологик контекстда, ёшлар турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири эканлигидан далолат бермоқда. Айниқса, либерал иқтисодиёт, прагматик сиёсат, эркин ижтимоий ҳаёт, янги маънавий макон билан боғлиқ тенденциялар бозор иқтисодиёти воқелигига мослашувчан, инновацион технологияларни тез ўзлаштирадиган, тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчан, ижтимоий мақомини оширишга мойил, ижтимоий муаммоларга эътиборли, келажакка ишонадиган ёшларни тарбиялашнинг янги механизмларни ишлаб чиқиш зарурати тобора ортмоқда.

Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси асосида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга, маданий савиясини оширишга, интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини юксалтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. “Мени доимо уйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир суз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга жиддий эътибор беришимиз зарур”¹. Шу сабабли, Ўзбекистон ёшлари турмушидаги салбий ҳолатларни аниқлаш, уларнинг турмуш тарзини оптималлаштириш ҳамда соғлом одат ва кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.257

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори, шунингдек соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турмуш тарзи билан боғлиқ муаммолар бир неча асрдан буён жаҳон файласуфларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келади. Б. Спиноза, Л. Фейербах, З. Фрейд, А. Шопенгауэр, М. Хайдеггер, М. Шелер каби мутафаккирларнинг асарларида унинг антропологик ва онтологик асослари очиб берилган. А. Камю, С. Кьеркегор, Г. Марсель, Ж. П. Сартр тадқиқотларида турмуш тарзи стратегиялари билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Замонавий жамиятда инсон турмуш тарзи ўзгариши билан боғлиқ масалалар Д. Белл, П. Бурдьё, Э. Гидденс, Э. Тоффлер асарларида таҳлил этилган².

МДХ мамлакатларида турмуш тарзи билан боғлиқ муаммолар, жумладан турмуш тарзи концептуализацияси, унинг технологик детерминантларини

² Спиноза Б. Этика./ пер. В. Модестова.- Москва: АСТ, 2001; Фейербах Л. Сущность христианства // Избр. филос. произведения. В 2- т. Т. 2. - Москва: Изд-во политической литературы, 1955.; Фрейд З. Введение в психоанализ: лекции. - Москва: Наука, 1991; Шопенгауэр А. К этике // Собр. соч. В 6 т. Т. 5.- Москва: Терра, 2001; Хайдеггер М. Письмо о гуманизме // Время и бытие: статьи и выступления. -Москва: Республика, 1993.; Шелер М. Сущность и формы симпатии.// Избранные произведения. - Москва: Гнозис, 1994.; Камю А. Чума. - Москва: АСТ, 2019; Кьеркегор С. Понятие страха. - Москва: Академический проспект, 2014; Марсель Г. Быть и иметь. - Новочеркасск: Сагуна, 1994; Сартр Ж.П.Стена // Избранные произведения. -Москва: Изд-во полит.лит., 1992; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. - Москва: Академия, 1999; Бурдьё П. Различение: социальная критика суждения.// Западная экономическая социология: Хрестоматия современной классики. - Москва: РОССПЭН, 2004; Гидденс Э. Устройство общества: Очерк теории структуризации. - Москва: Академ.проект, 2003; Тоффлер Э.Третья волна. - Москва: АСТ, 2010.

Е. Авдеевко, инсон ҳаётининг фаолиятининг ижтимоий-маданий интерьерлари В. Бегинин томонидан тадқиқ этилган. А. Возмитель эса ўз илмий ишида инсон турмуш тарзининг ривожланиш қонуниятларини очиқ берган. К. Абрамов, Н. Белова, И. Боталова, А. Калинин, Д. Накашидзе, М. Сигитова, К. Филиппова, Е. Хибовская, Н. Хоркина, И. Чемезовларнинг илмий ишларида ёшлар турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари, уни ўзгартираётган омиллар ва жараёнлар ҳар томонлама ифодалаб берилган³.

Мамлакатимизда ёшлар турмуш тарзининг турли аспекти тадқиқига бағишланган илмий изланишлар олиб борилган. Р. Арзикулов йигит ва қизларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш муаммоларини, Ф. Жуманова ва Г. Назировалар мактаб ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг психологик–педагогик омилларини, Э. Ибрагимов маънавий-руҳий манипуляциянинг ёшлар дунёқараши ва турмуш тарзига таъсирини, Ш. Исмаилова ёшлар ижтимоийлашувида ахлоқий кадрларнинг ўрнини, А. Расулев ва Ф. Убайдуллаевалар ёшлар ўртасида ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини, Д. Худойбердиев ёшлар истеъмолчилик ҳулқининг ўзгариши сабаблари ва оқибатларини, Г. Гаффарова ва Д. Жумановлар ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига таъсирини ўрганишган⁴. Шунингдек, турмуш тарзининг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий, тарихий муаммолари билан боғлиқ масалалар Б. Алиев, Г. Наврўзова, Қ. Назаров, Ҳ. Саломова, З. Қодирова, А. Ҳусейнова илмий ишларида таҳлил этилган⁵.

³ Авдеевко Е.В. Образ жизни как социальный феномен: Автореф. дисс. на соиск... канд. филос. н. - Воронеж: ВГУ, 2018; Бегинин В. Социология образа жизни. - Саратов: Изд. Саратовского университета, 1993; Возмитель А. Образ жизни: концепция, сущность, динамика: Автореф. дисс. на соиск... докт. соц. н. - Москва: Институт соц. РАН, 2000. Абрамов К.В. Особенности социально-психологической адаптации молодежи в трансформирующемся обществе: Автореф. дисс... канд. психол. наук.- М., 2010; Белова Н.И. Основные направления формирования здорового образа жизни учащейся молодежи: Автореф. дисс. на соиск... канд. соц. н. - Москва: РГГУ, 2006; Боталова И.В., Накашидзе Д. Д. Молодежь как особая социально-возрастная группа в современном обществе.// Science Time, 2016, №8; Сигитова М.А., Филиппова К.В. Ключевые особенности молодежи, определяющие поведение на рынке труда.// Общество: социология, психология, педагогика, 2021, №8; Хибовская Е.А. Заработки и личные расходы молодежи.// Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены, 1995, №6; Хоркина Н.А., Калинин А.М. Национальные программы по стимулированию здорового образа жизни.// Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 2012, №8.; Чемезов И.С. Организация личного времени студенческой молодежи и повышение эффективности его использования.// Научные труды Вольного экономического общества России, 2018, №4.

⁴ Арзикулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари. -Тошкент, 2005; Жуманова Ф.У., Назирова Г.К. Мактаб ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг психологик–педагогик омиллари // Academic research in educational sciences, 2021, vol. 2, №6; Ибрагимов Э.Х. Маънавий-руҳий манипуляциянинг ёшлар дунёқарашига таъсири: Фалс.ф. бўйича фалс.д. (PhD) дисс.автореф. - Самарқанд: СамДУ, 2020; Исмаилова Ш.К. Ёшлар ижтимоийлашувида ахлоқий кадрларнинг ўрни.// Academic research in educational sciences, 2021, №2; Расулев А.Ф., Убайдуллаева Ф.А. Ёшлар ўртасида ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.// Иқтисод ва молия, 2018, №4; Худойбердиев Д. Ёшлар истеъмолчилик ҳулқи: мазмуни ва шакллари, ўзгариши сабаблари ва оқибатлари.- Қарши: Фан ва таълим, 2021; Гаффарова Г., Жуманов Д. Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига таъсири.// Academic research in educational sciences, 2021, №4.

⁵ Алиев, Б.Б. Шахс маънавий-ахлоқий тарбияси ҳамиша муҳим.//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences,2022, vol. 2, №23. - 628-632-б.; Наврўзова Г.Н., Раҳматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси.- Бухоро: Бухоро, 2010; Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси комуси. Икки томлик.- Тошкент: Ўзб.файл. миллий жам. нашр, 2019; Саломова Ҳ. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва аҳамияти.- Бухоро: Дурдона, 2018; Қодирова З.Р., Каримова З.Г. Миллий кадрларни таълим тизимида татбиқ этишнинг психологик жиҳатлари. - Тошкент: Тафаккур, 2010; Ҳусейнова А.А. Аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни // Взгляд в прошлое, 2021, №6.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда ёшлар турмуш тарзининг маълум қирралари, хусусиятлари, уларнинг ўзгаришига оид педагогик-психологик, иқтисодий омиллари билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқ этилган. Шу боисдан мазкур диссертацияда ёшлар турмуш тарзи хусусиятлари ва ўзгаришлари яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этилиб, Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўлларига доир муаммоларга лаохида аҳамият қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-173 рақамли “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари” (2020-2025 йй) илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий тенденциялар таъсирида ўзгараётган ёшлар турмуш тарзини оптималлаштиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“турмуш тарзи” категориясининг назарий экспликацияси – тушунча мазмуни ва таркибининг илмий баёни ва ифодасини амалга ошириш;

инсон турмушининг ўзига хос тарзини белгилаб берувчи табиий, ижтимоий ва антропологик детерминантларни аниқлаш;

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзига хос хусусиятларни очиб бериш; замонавий тенденциялар таъсирида ёшлар турмуш тарзида содир бўлган ўзгаришларни ва сақланиб қолаётган салбий ҳолатларни аниқлаш;

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатртт .

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёшлар турмуш тарзининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети замонавий тенденциялар таъсирида Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзида содир бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, объективлик, тизимлилик, социологик сўров каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

диалектиканинг ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик тамойиллари асосида турмуш тарзининг меҳнат фаолияти, ижтимоий жараёнларда иштирок, маиший турмуш, кундалик одат, бўш вақтдаги фаолият каби параметрлари инсон тараққиёти индексининг янгиланиб бориши сабабли тарихий, экологик вазият каби табиий, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, урф-одат ва анъаналар каби ижтимоий, биологик ва шахсий омиллар каби антропологик детерминантлар таъсирида ўзгара бориши очиб берилган;

жамият фаровонлиги ва барқарорлиги шахсий иқтисодий маданият ва ижтимоий иқтисодий маданият даражаси орқали белгиланишига кўра

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўллари йигит ва қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш, уларнинг молиявий маданиятини юксалтириш, соғлом одат ва кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқлиги исботлаб берилган;

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзидаги салбий ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка таҳдид, терроризм ва экстремизм, ирқчилик, иқлим ўзгаришлари каби глобал муаммоларни кучайиб бориши сабабли ўсмирлик даврининг чўзилиши, таълимга иштиёқ деформацияси, субъектив истаклар ва ижтимоий вазият ўртасидаги номутаносиблик, иш топишдаги қийинчиликлар, меҳнат миграцияси, оилавий турмуш ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган;

аргументлардан индуктив хулоса чиқариш асосида Ўзбекистонда либерал иқтисодиёт, прагматик сиёсат, эркин ижтимоий ҳаёт, янги маънавий макон билан боғлиқ тенденциялар барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларга ҳамоҳанг равишда бозор иқтисодиёти воқелигига мослашувчан, инновацион технологияларни тез ўзлаштирадиган, тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчан, ўзаро ёрдам амалиётига содиқ, ижтимоий мақомини оширишга мойил, ижтимоий муаммоларга эътиборли, келажакка ишонадиган ёшларни шакллантираётгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“турмуш тарзи” категориясининг назарий экспликацияси олий таълим муассасаларида ижтимоий фанлардан ўқув-услубий ишларни йўлга қўйишда муҳим манба вазифасини ўтаган;

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзига хос бўлган хусусиятлар, унда сақланиб қолаётган салбий ҳолатлар аниқланган бўлиб, бу натижалар меҳнат жамоаларида муаммога доир маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда қўлланилган;

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўлларига (ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш, уларнинг молиявий маданиятини юксалтириш, соғлом одат ва кўникмаларини ривожлантириш) доир тизимли тавсиялар илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, муаллиф томонидан объективлилик ва системавийлик тамойили асосида ўтказилган социологик сўров натижаларига таянилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган назарий-фалсафий ғоялардан, умумлаштирилган илмий хулосалардан глобаллашув шароитида ёшлар турмуш тарзидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш, янги фаразларни илгари суришда илмий-назарий манба, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш шуғулланувчи маънавий-маданий тарбия муассасаларнинг амалий

фаолиятида шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича мутахассис тайёрлайдиган таълим муассасаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятида методологик асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий хулоса ва амалий тавсияларидан, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда, таълим муассасаларидаги ўқув-услугий ва маънавий-маърифий ишлар самарасини оширишда, Республика Маънавият-маърифат маркази, фуқаролик жамияти институтлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятида, шунингдек, Ёшлар ишлари агентлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларини амалга оширишда, ёшлар турмуш тарзини янда ўзгартиришга бағишланган истиқболли, мақсадли дастурлар ва концепцияларни ишлаб чиқишда, шунингдек, мавзуга доир дарслик, ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшлар турмуш тарзининг замонавий тенденциялар таъсиридаги ўзгаришларни тадқиқ этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

диалектиканинг ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик тамойиллари асосида турмуш тарзининг меҳнат фаолияти, ижтимоий жараёнларда иштирок, маиший турмуш, кундалик одат, бўш вақтдаги фаолият каби параметрлари инсон тараққиёти индексининг янгилашиб бориши сабабли тарихий, экологик вазият каби табиий, иқтисодий, сиёсат, ҳуқуқ, урф-одат ва анъаналар каби ижтимоий, биологик ва шахсий омиллар каби антропологик детерминантлар таъсирида ўзгара боришига оид назарий мулоҳазалар ва амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ПЗ-20170928696-рақамли “Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)” (2018-2020 йй) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 12 августдаги 01/10-11-4637-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўллари, ёшларда соғлом одат ва кўникмаларни шакллантириш, уларни зарарли одатлардан ҳимоя қилиш, соғлом тафаккурни шакллантириш масалаларига эътибор бериш заруратини асослашга хизмат қилган;

жамият фаровонлиги ва барқарорлиги шахсий иқтисодий маданият ва ижтимоий иқтисодий маданият даражаси орқали белгиланишига кўра Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўллари йигит ва қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш, уларнинг молиявий маданиятини юксалтириш, соғлом одат ва кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқлигига оид назарий умумлашма ва амалий тавсиялардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастури “Ёшлар қаноти” томонидан “Ишбилармон ёшлар”, “Ёш тадбиркорлар” лойиҳаларини амалга оширишда, “Ёш инновациячилар” стипендияси, “Стартап”, “Стартап-инновейшн”

лойиҳаларида белгиланган фазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2022 йил 15 апрелдаги 01-27/188-сон маълумотномаси). Натижада, партиянинг “Ёшлар қаноти” иш режасига киритилган тадбирларни амалга оширишда ўзига хос услубий манба вазифасини бажарган ҳамда Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзини оптималлаштириш йўллари йигит ва қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш, уларнинг молиявий маданиятини юксалтириш, соғлом одат ва кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзидаги салбий ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка таҳдид, терроризм ва экстремизм, иркчилик, иқлим ўзгаришлари каби глобал муаммоларни кучайиб бориши сабабли ўсмирлик даврининг чўзилиши, таълимга иштиёқ деформацияси, субъектив истаклар ва ижтимоий вазият ўртасидаги номутаносиблик, иш топишдаги қийинчиликлар, меҳнат миграцияси, оилавий турмуш ўзгариши билан боғлиқлигига доир назарий мулоҳазалар ва амалий тақлиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудларда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва улар бандлигини таъминлаш чора-тадбирларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг 2. “Ўз иқтидори ва салоҳиятини камол топтириш, келажакда қизиққан соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун ёшларда ўзини ўзи ривожлантириш бўйича кучли мотивация уйғотиш мақсадида кенг ёшлар даврасида халқаро миқёсда юқори нуфузга эга нотиклар жалб қилинган ҳолда мотивацион тадбирлар ўтказиш” вазифаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 12 апрелдаги 4-13-23-978-сон маълумотномаси). Натижада, “Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 июндаги 388-сон қарори ҳамда “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойилини амалга оширишда, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва бандлигини таъминлашнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аргументлардан индуктив хулоса чиқариш асосида Ўзбекистонда либерал иқтисодиёт, прагматик сиёсат, эркин ижтимоий ҳаёт, янги маънавий макон билан боғлиқ тенденциялар барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларга ҳамоҳанг равишда бозор иқтисодиёти воқелигига мослашувчан, инновацион технологияларни тез ўзлаштирадиган, тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчан, ўзаро ёрдам амалиётига содиқ, ижтимоий мақомини оширишга мойил, ижтимоий муаммоларга эътиборли, келажакка ишонадиган ёшларни шакллантириши билан боғлиқ назарий мулоҳазалар ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда

Ўтказилган тарғибот фаолиятида, Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг VI йўналишига оид “Маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишда оммавий ахборот воситалари, интернет. ижтимоий тармоқларидан кенг фойдаланиш, Интернет тизимида миллий ахборот базасини ривожлантириш чора-тадбирлари”да белгиланган аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш бўйича мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 31 мартдаги 02/02/486-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар турмуш тарзини оптималлаштириш, ёшлар бўш вақтини мазмунли ўқатишга ҳамда соғлом одат ва кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (4 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Турмуш тарзи – ижтимоий фалсафа категорияси**” деб номланиб, унда “турмуш тарзи” категориясининг назарий экспликацияси, турмуш тарзининг табиий, ижтимоий ва антропологик детерминантлари очиб берилган.

Диссертацияда Янги Ўзбекистон стратегияси доирасида рўёбга чиқарилаётган чоралар иқтисодий замонвийлаштираётгани, ижтимоий соҳа элементларини ўзгартираётгани, жамият сиёсий борлигини

такомиллаштираётгани, маънавий-маданий ҳаётга янги мазмун бераётгани таъкидланади ва воқеликнинг оддий кузатилиши ҳамда кундалик онг даражасидаги умумлашмаларнинг ўзиданоқ маълум бўладиги, жаҳон сахнида ва мамлакат миқёсида рўй бераётган ўзгаришлар инсон онги ва фаолияти, турмуш тарзи учун изсиз кетаётгани йўқ. Бироқ, замонавий ижтимоий воқеликнинг инсон онги ва фаолияти, ҳаёти ва турмушига кўрсатаётган таъсири оқибатларини кундалик онг даражасида, стихияли равишда аниқлаб ва умумлаштириб бўлмайди.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, муаммо назарий талқин қилинмас экан, унинг тадқиқида ижтимоий фалсафа ва мантиқнинг илмий услубларига таянилмас экан, масаланинг моҳиятини илғаб, асосли илмий хулосалар ва аҳамиятли тавсияларни илгари суриб бўлмайди. Мавзуга доир илмий изланишларнинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамияти ҳам шунда.

Турмуш тарзи – индивид ёки жамоа ҳаёти ҳамда фаолиятининг аниқ, муайян шаклини ифодалашда қўлланиладиган тушунчадир. Лекин тушунча мазмуни инсон ҳаётининг турли жабҳалари ифодаси билан чекланмайди. Мавзуга доир илмий манбалардан кўринадиги⁶, ҳар қандай турмуш тарзи қатор параметрларни ўз ичига олади. Бу параметрлар инсон ҳаётининг фаолиятининг асосий йўналишларидан келиб чиқади. Масалан, ҳаётининг фаолиятининг энг муҳим йўналиши меҳнат фаолияти билан боғлиқ.

Диссертант фикрича, инсоннинг турмуш тарзини белгиловчи меҳнат фаолияти турли шаклда кечиши мумкин. Инсон турмуш тарзининг муҳим томони бўлган меҳнат фаолиятининг кечиши у ишлаётган муассаса, корхона ёки ташкилотдаги меҳнат шароитларига боғлиқ. Одатда меҳнат шароитлари деганда инсон меҳнат фаолияти кечаётган ишлаб чиқариш муҳити тушунилади. Бунда ташкилот ёки корxonанинг техник жиҳатдан жиҳозланганлиги даражаси, ундаги технологик жараёнлар, иш ўринларининг санитария ва гигиена қоидаларига мослиги, эстетик жиҳатдан жозибадорлиги, ходим соғлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларнинг бартараф этилганлиги ва ҳоказолар назарда тутилади.

Диссертацияда меҳнат, қанчалик аҳамиятли бўлмасин, инсон ҳаётининг фаолиятининг ягона йўналиши эмаслиги таъкидланган. Инсон меҳнат жараёни билан уйғун равишда жамиятда содир бўлаётган воқеалар, жараёнларда қатнашади ва шунинг билан ўз эҳтиёж, манфаатларини қондиради. Бинобарин, инсон ҳаётининг фаолиятининг яна бир йўналиши унинг *жамият ишларидаги иштироки* билан боғлиқ. Шу сабабдан инсон турмуш тарзини ўрганаётганда мазкур параметр ҳам инобатга олиниши кераклиги таъкидланган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, публицистик адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда “жамият ишларидаги иштирок” ибораси турли мазмунда ва эҳтиётсизлик билан қўлланилади. Аслида бу тўғри эмас. Жаҳон фалсафаси, социологияси ва сиёсатшунослигида мазкур ибора алоҳида илмий тушунча сифатида расмийлаштириб бўлинган. Жамият ишларидаги иштирок деганда кишиларнинг муайян натижаларга

⁶ Ушбу манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида батафсил келтирилган.

эришиш ва манфаатларни рўёбга чиқариш мақсадида жамиятнинг бошқа аъзолари билан ҳамжиҳатликда ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнларга қатнашиши назарда тутилади.

Диссертацияда инсон ҳаётининг фаолиятининг йўналишларидан бири унинг маиший турмуши билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. “Бунда инсоннинг оддий физиологик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кундалик ҳаёт тарзи назарда тутилади. Бу ҳаёт тарзи инсон тасарруфидаги уй-жой, кийим-кечак, рўзгор буюмларини, шунингдек, унинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади”⁷. Маиший турмуш – инсон турмуш тарзининг энг аҳамиятли томонларидан бири бўлиб, унинг шакли энг аввало табиий шарт-шароитлардан келиб чиқади. Инсон истиқомат қилаётган ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлими, тупроғи ҳолати, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиий ресурслар билан таъминланганлиги даражаси – буларнинг барчаси охир-оқибатда инсон маиший турмушини белгилаб беради.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, турмуш тарзи анча мураккаб таркиб ва характерга эга. Айни пайтда турмуш тарзини бир неча *ракурсда* ўрганиш ва таснифлаш мумкинлигини ҳам эътироф этиб ўтмоқ лозим. Жумладан, турли цивилизацияларнинг инсон ҳаётининг фаолиятига таъсири ҳақида гап кетганда одатда шарқона ва ғарбона турмуш тарзи тилга олинади. Шарқона турмуш тарзи деганда кишиларнинг Шарқ кадриятлари ва жамоавийлик тамойилларига асосланган хулқ-атвори ва муомаласи назарда тутилади. Ундан фарқли ўлароқ, ғарбона турмуш тарзи Ғарб цивилизацияси тараққиёти натижасида юзага келган норма ва кадриятлар, хусусан индивидуаллик тамойилларига таянади.

Диссертацияда инсон турмуш тарзи стихияли равишда қарор топадиган феномен эмас, балки турмуш тарзи, энг аввало, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули эканлиги қайд қилинган.

Шарқда маданий тараққиёт даври сифатида бўй кўрсатган Уйғониш даври, бир неча аср ўтиб, Ғарб мамлакатларида адабиёт ва санъатнинг қудратли ривожидан туртки олган Ренессанс инсон турмуш тарзини янада бойитди. Бу даврда мавжуд моддий ишлаб чиқариш муносабатларида иштирок этмайдиган табақалар вужудга келди. Бу табақалар ўзларининг адабиёт ва санъат билан боғлиқ ҳаётининг фаолиятларини алоҳида турмуш тарзига айлантирдилар. Натижада фақат зиёлилар, ижодкорларга хос бўлган турмуш тарзи қарор топди. Айни пайтда мазкур табақа вакиллари томонидан ривожлантирилган ва тарғиб қилинган инсонпарварлик ғоялари шу даврдаги барча синф ва гуруҳ вакилларининг турмуш тарзи мазмунига таъсир кўрсатди. “Интенсив ижтимоий ҳаёт ва ишбилармонлик фаоллиги шароитида индивидуаллик ва ўзига хослик кадрланадиган маънавий муҳит вужудга келди. Тарих саҳнига ҳаракатчан, шижоатли, фаол, ўз ижтимоий мақомини номдор аждодлари шарафига эмас, ўз саъй-ҳаракатлари, уддабуронлиги,

⁷ Худойбердиев Д. Ёшлар истеъмолчилик хулқи: мазмуни ва шакллари, ўзгариши сабаблари ва оқибатлари. - Қарши: Фан ва таълим, 2021. - Б.122-123.

заковати, билимлари, омади эвазига қўлга киритган инсон чиқиб келди. Инсон ўзига ва табиатга янги кўз билан қарай бошлади, унинг эстетик диди, атроф-муҳитга ва ўтмишга муносабати ўзгарди”⁸.

Диссертацияда экологик вазият биринчи навбатда инсон меҳнат фаолиятининг мазмуни ва шаклини белгилаб бериши таъкидланади. Маълумки, ҳар қандай меҳнат муайян табиий ресурсларга таянади.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, инсоннинг кундалик ҳаёти давомида турли шаклларда намоён бўладиган одатлари ва кўникмалар билан экологик вазият ўртасида маълум боғлиқлик бор. Бу одат ва кўникмалар айрим ҳолатларда ҳудуддаги тупроқ, сув аҳволи, иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари, ўсимлик турлари, ҳайвонот олаmidан келиб чиқади.

Диссертацияда турмуш тарзи ижтимоий детерминантлар таъсирида ҳам шаклланиши, бу детерминантлар орасида жамият иқтисодиётининг айрича ўрни борлиги, шу сабабдан иқтисодиётнинг бир типи ҳукм сурган жамиятда бир турмуш тарзи, бошқа типи устувор бўлган жамиятда унинг мутлақо ўзгача тарзи қарор топиши таъкидланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, иқтисодиётнинг ҳар қандай типи ҳам ижобий, ҳам салбий элементларнинг турмуш тарзидан ўрин олишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзи: атрибутлари ва ўзгаришлари”** деб номланиб, унда Ўзбекистон ёшари турмуш тарзининг асосий хусусиятлари, замонавий тенденциялар таъсирида Ўзбекистон ёшлари турмуш тарзида содир бўлаётган ўзгаришлар масалалари таҳлил объектига айлантирилган.

Диссертацияда ёшлар барча мамлакатларда ўз ўрнига эга бўлиб, туркум хусусиятларга эга эканлиги таъкидланади ва уларнинг ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида таснифлашда махсус мезонларга таянилиши қайд этилган. Ушбу мезонлар: ёш чегаралари; ижтимоий-руҳий хусусиятлар; ижтимоий мақом; хулқ-атвор; ижтимоийлашув жараёни хусусиятларидан иборат. Ёшлар ижтимоийлашув жараёни бошидан кечираётган, маърифий, касбий, маданий ва бошқа функцияларни ўзлаштираётган авлоддир⁹.

Диссертант фикрича, Ўзбекистон йигит ва қизлари меҳнат фаолияти энг аввало ўзининг мобил характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Ёшлар меҳнат фаолияти кечаётган жойни осон ўзгартирадилар, меҳнат илинжида бир шаҳардан бошқасига, бир минтақадан бошқасига, бир мамлакатдан бошқасига эркин кўчиб ўтадилар. Айнан шунинг учун меҳнат мигрантлари таркибида ёшлар улуши катталигича қолмоқда. Мобиллик деганда фақат ҳудудий мобиллик эмас, балки йигит ва қизлар нафақат меҳнат фаолиятлари кечаётган ҳудудни, балки касб-корларини ҳам тез-тез ўзгартириб турадилар. Мутахассислар касбий мобилликнинг асосий сабабларини қуйидагилар билан боғлайдилар: янги касбий фаолиятга қизиқишнинг вужудга келиши, кўпроқ маош олиш имкониятининг пайдо бўлиши, янги лавозимларга кўтарилиш

⁸ Слепцова А.О. Культура повседневности в эпоху Возрождения.// Аналитика культурологии, 2010. - №17. – С. 142.

⁹ Накашидзе Д. Д. Молодежь как особая социально-возрастная группа в современном обществе // Science Time, 2016. №8. – С. 102.

истикболлари, меҳнат бозорида юзага келган ноқулай вазият, шуғулланиб турган касбининг кадрсизланиши¹⁰.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Ўзбекистон ёшлари меҳнат фаолиятининг яна бир ўзига хос хусусияти унинг *мослашувчан* характерга эгаллиги билан боғлиқ. Маълумки, одатда йигит ва қизлар ўз меҳнат фаолиятининг бошида етарлича меҳнат тажрибаси ва стажига эга бўлмайдилар. Бу ҳол иш берувчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. Натижада ёшлар таклиф этилаётган меҳнат шароитлари, иш тартиби, маош миқдорига мослашишга мажбур бўлмоқдалар. Шу тариқа мослашувчанлик улар меҳнат фаолиятининг асосий хусусиятига айланмоқда.

Диссертацияда Ўзбекистон ёшлари меҳнат фаолиятида инновацияларга мойиллик ёрқин кўзга ташланаётганлиги таъкидланади. Жамиятимизнинг барча соҳалари туб янгиланишларни бошидан кечираяпти.

Бугунги ёшларнинг катта қисми маиший турмушида сохта конформизм учрайди. Улар кексаларга, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялангани боис эътироз билдиришга, насиҳатларига нописандлик қилишга, талабларини эътиборсиз қолдиришга одатланмаганлар.

Диссертацияда Ўзбекистон ёшлари маиший турмушининг яна бир хусусияти маиший муаммоларни ҳал қилиш малакасининг заифлиги эканлиги таъкидланади. Ёшларнинг кундалик одат ва кўникмалари ҳам қатор хусусиятларга эга. Энг аввало, уларда соғлом одатларга мойиллик кўзга ташланади.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, мамлакатимиз йигит ва қизларида таълим олишга интилиш одати сақланиб қолмоқда. Ёшлар турмуш тарзининг муҳим томонини уларнинг бўш вақтдаги фаолияти ташкил этади. Бу фаолият ҳам ўзининг кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради. Аввало, йигит ва қизларнинг бўш вақтдаги фаолиятлари мақсадсиз характерга эгаллигини қайд қилиш зарур. Бўш вақтдаги фаолиятнинг мақсадсизлиги унинг ўзгарувчанлигини ҳам келтириб чиқаради.

Диссертацияда ёшларнинг бўш вақтдаги фаолиятларининг қуйидаги шакллари таҳлил этилган: 1) спорт машғулотлари; 2) телевизор томоша қилиш; 3) мутолаа; 4) ўйин-кулгу; 5) мусиқа тинглаш; 6) компьютерда ишлаш; 7) шаҳар бўйлаб сайр; 8) мулоқот; 9) кундузги уйку; 10) дўконларга ташриф; 11) туризм, саёҳат; 12) маданий ҳордиқ (театр ва кўргазмаларга бориш); 13) тикувчилик ва ижодкорлик; 14) уй юмушлари; 15) беҳуда вақт ўтказиш.

Диссертацияда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйгани, ижтимоий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳалардаги янгиланишларнинг мазмуни тобора бойиб, кўлами кенгайиб бораётгани таъкидланади. Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг, давлат раҳбари таъбири билан айтганда, ортга қайтмас тус олганини иқтисодиётнинг либераллашуви, давлат сиёсатининг прагматик тус олиши, ижтимоий ҳаётнинг эркинлашуви ва ошкоралашуви ва янги маънавий маконнинг вужудга келаётгани каби

¹⁰ Сигитова М.А., Филиппова К.В. Ключевые особенности молодежи, определяющие поведение на рынке труда // Общество: социология, психология, педагогика, 2021. № 8. – С. 80.

жараёнларнинг тенденциявий характер касб қилганидан билиш мумкин. Буларнинг барчаси жамиятимизда янги маънавий маконни шакллантириш жараёни тенденциявий тус олганидан далолат беради. “Янги маънавий макон нима? - деб ёзади давлат раҳбари, - Менинг назаримда у – биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир”¹¹.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар турмуш тарзидан тадбиркорлик фаолияти кенг жой олмоқда. Кейинги йилларда жамият иқтисодий соҳаси билан боғлиқ муаммолар, ижтимоий институтларнинг фаолиятига доир зиддиятлар, маданият масканлари фаолиятига доир эътирозлар ёшлар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Жамиятдаги янгиланишлар ёшларнинг *келажакдан умидини юксалтирди*. Кейинги йилларда ёшларга бўлган эътибор ниҳоятда кучайди.

Диссертант фикрича. давлат сиёсатининг прагматик тус олиши, ижтимоий ҳаётнинг эркинлашуви ва ошкоралашуви, янги маънавий маконнинг вужудга келаётгани каби тенденциялар мамлакатимиз йигит ва қизларини бозор иқтисодиёти воқелигига тезроқ мослашадиган, инновацион технологияларни жадал ўзлаштирадиган, тадбиркорлик фаолиятига мойиллик билдирадиган, бир-бирига ёрдам беришга тайёр, ижтимоий мақомини оширишга уринадиган, жамиятда пайдо бўлган муаммоларга фаол муносабат билдирадиган, келажакка умид билан яшайдиган қилиб шакллантирди.

